



DEVELOPMENT OF CREATIVE POTENTIAL OF GIFTED CHILDREN IN UZBEKISTAN IS A PATRIOTIC FACTOR

Rakhimov Minhojiddin Muhammadgolib oglu

The Republic of Uzbekistan, Ministry of Higher and Secondary Special
Education, Tashkent is named after Islam Karimov,
Technical University Support PhD (PhD)
gulomjonterdu@umail.uz

Annotation

Mechanisms for improving the process of designing the creative activity of gifted children and its implementation have played an important role in ensuring the effectiveness of education.

Keywords: Science, continuous education, new Uzbekistan, effective pedagogical experience, life skills.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифат ва самарадорлигини оширишга давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ислохотлар жозибadorлиги, аввало, иқтидорли ёшларнинг куч-ғайрати, азму шижоати билан янада таъсирли бўлиши ойдек равшан. Шу маънода, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун таълим ва маданият даргоҳлари фаолиятини такомиллаштиришга асосий эътибор қаратилаётир. Ҳар қандай мамлакат келажаги, тараққиёти кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан белгиланади. Шароит мавжуд жойда, табиийки, имконият бор, бу эса мақсадга эришиш учун энг муҳим восита. Юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, илм-фан эгаллашга бўлган интилишларини рағбатлантириш, иқтидорини рўёбга чиқариш, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириш янги Ўзбекистоннинг бош мақсадига айланди.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ёшларни Ватанимизнинг энг катта бойлиги ва бебаҳо хазинасига қиёслаганлари бежизга эмас. Мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсати асосида ёш авлоднинг



хаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ислохотлар изчил ва самарали амалга оширилмоқда. Уларнинг илғор билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, етук мутахассис, чинакам ватанпарвар инсонлар бўлиб, ноёб қобилиятини амалда исботлашлари учун айни муддодир.

Бугун мамлакатда барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Мамлакат Президенти “Ёшлар – бебаҳо хазинамиз, куч-қудратимиз ва буюк келажагимиз тимсоли номли ёшлар форумида сўзлаган нутқида, “Ёшлардаги жўшқинлик янги Ўзбекистоннинг куч-қудратини кўрсатади. Ҳар гал ёшларимиз билан учрашганимда, сизларнинг ғайрат-шижоатингиздан куч-қувват оламан, кўнглим тоғдай кўтарилади. Ҳар бирингиз жонажон Ватанимиз ва халқимизга сидқидилдан хизмат қилиш орзуси билан ёниб яшаётганингизни яхши биламан. Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида юксак қадрлайман”, — дея таъкидладилар.

Халқаро миқёсдаги педагогик тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш жараёнларини такомиллаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмларини лойиҳалаштириш таълим самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, иқтидорли болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг бошқариш технологияси ўқитишда замонавий талабаларга жавоб берадиган усул ва воситалардан унумли фойдаланишни;

иккинчидан, ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятларини шакллантиришни;

учинчидан, муаммоли таълим технологиялари орқали болани креатив фикрлашга йўналтиришни;

тўртинчидан, тезкор маълумотларни тўплаш ва қиёсий чоғиштириш кўникмаларини шакллантиради.

ларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммога ҳукуратимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” –деган даъватлари таълимнинг сифатига ва унинг самарали ташкил этилишини, айниқса, бошқарув технологияларига янгича ёндашув орқали ижодкор ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида ўрин ажратилмоқда. Бундай фаолият тури иқтидорли болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг бошқариш технологиясида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштиришни назарда тутаяди. Ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро мулоқотига асосланган таълим жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш стратегияларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Республикамизда узлуксиз таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, халқаро баҳолаш дастурлари асосида ўқувчиларда ўқиш, ижодий, табиий-илмий саводхонликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда ўз фаолиятини мустақил ташкил этиш, ўзини-ўзи таҳлил қилиш, танқидий фикрлаш асосида воқеликка онгли муносабатни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни Таълим-тарбия ҳар қандай давр нуқтаи назаридан қараганда ҳам ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолаверади. Бу вазифаларни амалга оширишда иқтидорли болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг бошқариш технологияси алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини лойиҳалаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, назорат қилиш ва бошқариш механизмларини такомиллаштиришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, уларнинг қизиқишларига индивидуал эътибор тақозо қилинади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касбхунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги ПФ-5313-сон Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат

таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сон қарорлари ҳамда

мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу олиб борилаётган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Ҳаётда синовдан ўтган юқори даражадаги билимга эга, маънавий бой, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш барча қонун ва қонун ости ҳужжатларимизда кўзда тутилган асосий мақсадлардан биридир.

Иқтидорли болалар ижодкорлигини ривожлантиришнинг бошқариш технологиясини, таълими мазмунини илмий асосда ривожлантириш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш педагогика фани олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб, айнан мана шу омиллар орқали ижодкор ўқувчиларда ватанга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғулари том маънода шаклланади ҳамда Ватан корига ярайдиган етук авлод камолоти таъминланади.

Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й..6-сон, 70-модда



2. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълимни тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони. – Электрон манба: lex.uz/docs/3412785.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi 24.01.2020-y

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlarni ma’naviy – ahloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta’lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko’tarish chora tadbirlari tog’risida”gi 14.08.2018 – yildagi PQ 39-07sonli qarori.

5. Мирзиёев Ш. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус. – Электрон манба: <https://www.gazeta.uz/oz/2019/04/03/5-tashabbus/>.